

ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

Туганова Луиза Джураевна

Чирчиқ давлат педагогика университети Гуманитар фанлар факультети “Факультетларaro ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада бугунги дунё миқёсида авж олган турли гуруҳлар ўртасидаги зиддиятларни диний “мавзу” қилиб олинганлиги ва қадриятларнинг моҳияти очиб берилган.

Калит сўзлар: дин, ислом, ахлоқ, қадрият, жамият, инсон, глобаллашув, фарзанд тарбияси, ёшлар.

РЕЛИГИОЗНЫЕ ЦЕННОСТИ И ИХ СОЦИАЛЬНАЯ ЗНАЧИМОСТЬ

Туганова Луиза Джураевна

Чирчикский государственный педагогический университет Преподаватель кафедры «Межфакультетские общественные науки»

Аннотация: В этой статье обострившиеся сегодня в мире конфликты между различными группировками рассматриваются как религиозная «тема» и раскрывается суть ценностей..

Ключевые слова: Религия, ислам, этика, ценности, общество, человек, глобализация, детское образование, молодежь..

RELIGIOUS VALUES AND THEIR SOCIAL SIGNIFICANCE

Tuganova Luiza Jurayevna

Chirchik State Pedagogical University Lecturer at the Department of Interfaculty Social Sciences

Annotation: In this article examines the escalating conflicts between various factions in the world today as a religious “theme” and reveals the essence of values..

Key words: Religion, Islam, ethics, values, society, people, globalization, children's education, youth.

КИРИШ. Глобаллашув даврининг кенг майдонда қанот ёйиши, бугунги ёш авлод маънавиятини юксалтиришга, уларнинг миллийлиги билан бирга миллий ғурур ҳиссини оширишга, ахлоқий тарбияни шакллантиришга ўта муҳим вазифа сифатида эътибор берилиши ўз – ўзидан шаклланмаган. Маълумки, бугунги кунда барчамизнинг ҳаётимизга қай соҳада бўлмайдик интернет, Ғарб мамлакатлари кинолари, турли сериаллар, компьютер ўйинлари кириб келиб улгурганлиги билан бирга “дорбозлар”ни “ипсиз дор”га юришга ўргатиш, томошабин бўлиб жамланган атрофдаги “жамланган оломон”ни томошобин-қатнашувчи тарзида баҳолаб, асл “қадриятларимиз бунёдкорлари” – “кекса авлодларимиз” йўлини банд этиш билан кураш тобора авж пардасига чиқиб боришлиги фикримизнинг ёрқин ифодасидир. Бундай манзара орқали эса ўз навбатида биз ота – оналар билан бирга устоз – мураббийларнинг фарзандларимиз олдидаги масъулиятимизни ҳалоллик билан адо этишга ундаши бош мақсадимиз эканлигини кўрсатиб беради.

ТАҲЛИЛ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Атрофда миллий маънавиятимизга таҳдид солаёт-

ган турли оқимлар тасирида содир бўлаётган барча салбий оқибатлар аввало, бефарқ қараб туришга ҳеч биримизни ҳаққимиз йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас деб ҳисоблайман! Маълумки, одатда ёшлар табиатан қизиқувчан ҳилқат сифатида гавдаланади, лекин XXI – аср ёшлари қандай ҳилқат тарзида – нимага қизиқади деб ҳеч биримизни хаёлимизга келмаган деб ўйлайман? Агар бу жарённи олдини олишга миллий мафкура ва маънавий саводхонлигимизни янада кучайтирмасак бундай таҳликали вазиятга фақатгина томошабин бўлиб қолмаймизми?

Қадрият деб аталмиш асл маънавий маданиятларимизни сақлаш, сайқаллаш кимларнинг зиммасига топширилганлигини унутиб қўймадикми?

Бўш вақтларини қандай филмлар кўриш билан ўтказмоқда? Зеро президентимиз айтганларидек ёшларимизнинг бўш вақти – душманнинг иш вақти! Буни асло унутмаслигимиз лозим.

Миллий кийимларимиз қолиб, кийиб йурган кийимларида нималар акс этипти?

Бугунги кунда эркин, демократик жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси таҳликали мувозанатда содир бўлаётган турли хил воқеаларни, ҳар хил таҳдидларни тушунадаган ва уларни баҳолай оладиган юксак дид эгаси бўлишларини таъминлашимиз лозим!

МУҲОКАМА. Қаршимизда турган “Кузгудаги кўринмас сейрат” вакиллари, ҳаммамизни ташвишга солиб турган “муаммо” – экстримизмнинг салбий эллатларини асл моҳитини очиб беришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этмоғимиз даркор. Аксар ҳолларда “ислом ақидапарастлари” деб баҳо берилиши доимгидек сарлавҳа пештоқларини безаб тураверади. Аммо унутмаслик керак бу (экстримест) гуруҳнинг Ислом деб аталмиш муқаддас номга ҳечқандай алоқаси ва боғлиқлик тарафи йўқ! Зеро, “бугунги кун кузгуси” шуни кўрсатиб турибтики, айни кунда аниқ ҳужжат ва далиллар келтирилгандан кейин ҳам эгри йўлдан қайтмайдиган қайсар кимсалар ўзларига-ўзлари зулм қилувчи, адашганлар ҳисобланади. Аллоҳ таолонинг: “(Эй инсон!) Ўзинг (аниқ) билмаган нарсага эргашма! Чунки қулоқ, кўз, дилнинг ҳар бири тўғрисида (ҳар бир инсон) масъул бўлур (жавоб берур)” (Исро, 36 оят), деб қаттиқ огоҳлантирганига амал қилишни унутмаслигимиз зарур!

Жадал суръатлар билан ўтиб бораётган бугунги таҳликали бир вақтда дунё сиёсий майдонида, ўзларини “доҳийликларини даъво қилувчи (аслида доҳий эмас “даҳрий”[1] лик деса мақсадга мувофиқ бўларди! Муаллиф Л.К.Ахатов)” гуруҳларнинг аниқ бир мақсади ҳам, Ватан деб аталмиш муқаддас маконлари ҳам, соф эътиқодли динлари ҳам, инсонларни тўғри йўлга бошловчи қонун ва қарорлари ҳам, ижтимоий тизимли аниқ бир жамияти ҳам, байроғ, мадҳия, мимллари (давлат тили) ҳам асло (бундай мақсадсиз кимсаларда бундай инсоний фазилатлар, ғурур ва ифтихорлар бўлиши мумкин ҳам эмас!) йўқ! Ўзларининг аниқ мақсади бўлмасдан, бошқаларни эргашишлари учун кураш олиб бораётган кимсаларнинг, дин деб аталмиш соф эътиқод рамзларига ҳурмат назари қаердан шакллансин? Ислом динининг маълум термин – сўзларини, халифалик, жиход, дин каби атамаларни тилларига михлашдан ўзга имконсиз бўлган бундай нобакор кимсаларнинг дин нимаю, диннинг аҳкомлари нима, диннинг муқаддаслиги нима?... бу ҳақдаги зарра мисқолчалик бўлсада билимдан хабарсиз, илмдан буткул Мосуво, кўр – кўрона жамланган бузғунчи “қузғунлар”дан ўзга нарса эмас! Ислом дини тинчлик дини, уни номига доғ тушишига жим қараб туришликка ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ! Ислом қайси динга мансублигидан қатъи назар, тинч аҳолини ўлдириш у ёқда турсин, уларнинг тинчини бузишни ҳам тақиқлашини унутмаслигимиз даркор! Шундай экан, қандай қилиб мусулмон ўз мусулмон биродарининг

тинчини бузиши, ўлдириши ва ёки мурдаларни хорлаши мумкинми?

НАТИЖА. Ҳол буким, Ислом дини ўз жонига қасд қилиш, моли ва жонини хатарга қўйиш каби ишлардан қайтаради. Инсон ўз жонига қасд қилиши ислом таълимотига кўра ҳаром ишлардан саналади [2]. Инсон ўзига берилган неъматларни қадрига етиб, уни яна зиёда бўлиши, мустаҳкамланиши йўлида астойдил меҳнат қилиши, доим зийрак ва огоҳ бўлиши лозим. Буюк мутафаккир олим Жалолиддин Румий огоҳлиги йўқ кимсани руҳи йўқ жасадга тенглаб: “Ғофилу мурда, иккалови бирда”, дейдилар. Мусулмон одам хоҳ диний, хоҳ дунёвий ишда бўлсин ақл – заковат ва фаҳм – фаросат билан ҳаракат қилишга буюрилган. Инсон бу оламда турли қийинчиликлар ва машаққатларга дучор бўлиши, азобу уқубатлар тортиши табиий ҳолатдир. Аммо бу иш билан бир қаторда унинг ишлари фақат орқага кетавериши ҳам мумкин эмас. У зийраклик ва оқиллик билан чин мўмин бўлишга интилар экан, ҳар қадамда сукмоққа дуч келмай (қоқилавермай), Аллоҳ унга албатта ёрдам беради! [3].

Ёшларимизни болалик чоғлариданоқ ватанга содиқлик, ота – онани эъзозлаш, катталарга хурмат, диний қадриятларимизга садоқатлилик туйғуларини сингдириб боришимиз лозим [4]. Оиланинг энг муҳим ижтимоий вазифалари – инсон зотини давом эттиришдан, болаларни тарбиялашдан, оила аъзоларининг турмуш шароитини ва бўш вақтини самарали уюштиришдан иборатдир.

ХУЛОСА. Ҳаммамизга маълумки, сунгги йилларда дунё сиёсий маконида диний ва конфеционал омилларнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Демократия тамоилларига зид равишда диндан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳоллари авж олди. Бу эса бугунги дунё сийсий манзарасини талотуб “чиллик уйини”ни уйнаш каби кимдир дастакни олишга интилса, кимнидир “чиллик таёқчаси” ни ортидан ҳалак югуршдан ортмай қолди. Айни шундай манзарани яратилиши албатта ҳар бир ёш авлодни вояга етказишга тўсиқ бўлиб туриши табиий ҳолдир [5]. Бизнинг Шарқона минталититимиз, анъаналаримизга содиқ қолган ҳолда, биз, одатда, Аллоҳдан солиҳ фарзандлар ато этишини, уларнинг роҳатини кўришни сўраб, дуога қўл очамиз. Лекин фарзандларимиз солиҳ ва баркамол бўлиши учун биргина тилакларимизнинг ўзи кифоя эмаслигини унутмаслигимиз лозим. Таассуфлар бўлсинким, аксар инсонларнинг фарзандлари ўз хоҳиш ва истакларидан келиб чиқиб, ҳар куни кўзларида янги – янги саволлар порлаб туриши, ич – ичидан ниманидир хоҳлаб уни сиз билан бўлишиш истаги борлигига эътиборсиз бўлиб қолмоқда. Аслида ҳеч биримизнинг бундай таҳликали шароитда бефарқ қараб туришимизга ҳаққимиз ҳам йўқ. Бас, шундай экан, ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот – коммуникация манзараларида кескин (чуқур) ўзгаришлар рўй бераётган, “сохта ақида кўриқчиларининг қурбонлари” тонидан турли мафкуралар тортишуви кескин авж олаётган вазиятда қайси (виждони пок муслмон) инсон бундай таҳликали ҳолатда четдан қараб туриб, ўзини эса шу “Азиз Ватан”нинг фарзанди ман деб ҳисоблаши мумкин? “Бурч”-деб аталмиш муқаддас мезонларимизни қоғозгагина михлаб қуймасдан, уни чин – виждонан адо этмоғимиз лозим эмасми?

Зеро, бир машҳур ҳақиқатни унутмаслигимиз лозим – инсоннинг ўзи лойдан шаклланиши аниқ руҳи эмас! Руҳнинг покланиши эса, соф эътиқод, пок виждон, иймон бутунлигининг қаймоғи эрур! Лойдан яратилган инсон қанчалар бефарқ-бепарво бўлиб яшаса, тубанликка қараб балчикқа йурғалайди. А аксинча, агар қанчалар покликка, тўғрилиқка амал қилса, унинг салобати ортиб (руҳи улуғланиб), мукамаллик сари ривожланишини унутмаслигимиз даркор! Ҳақиқат эгилади букилади..... эмас, балки,

Ҳақиқат ҳеч қачон эгилмас, бўкилмас ва синмас бўлади, шунинг учун у Ҳақиқат..

АДАБИЁТЛАР:

Muhammad Amin Yahyo Internetdagi tahdidlardan himoya. – T.: Movorounnahr, 2016

Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. Hadis va hayot 4- juz (poklik kitobi) – Toshkent: Hilol-nashr, 2016

Ro'latov H., Mamatov M. Tasavvuf tarixidan lavhalar. – Toshkent: O'zbekiston Milliy kutubxonasi, 2011

Mirsodiqov Z. Ilm va odob saodat kalitidir. (Risola) O'zbekiston Musulmonlari idorasi. – T.: Movarounnahr, 2018

Кныш А.Д. Ат-Тасаввuf. Islam. Ensiklopedicheskiy slovar. Nauka, 1991.

Кныш А.Д. Musulmanskiy mistisizm. Kratkaya istoriya. Perevod s angliz yaz. Romanov M.G. – SPb.: Dlya, 2004.